САЙИДИРАХИМОВА Насиба Сайидмахамадовна
Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбек тили ва мумтоз шарқ адабиёти кафедраси доценти, филология фанлари номзоди
Email: nasibatashkent@mail.ru

МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТДА “МАДАНИЯТ”, “ЭНКУЛЬТУРАЦИЯ”, “СОЦИАЛИЗАЦИЯ” ВА “АККУЛЬТУРАЦИЯ” ТУШУНЧАЛАРИ

ПОНЯТИЯ «КУЛЬТУРА», «ИНКУЛЬТУРАЦИЯ», «СОЦИАЛИЗАЦИЯ» И «АККУЛЬТУРАЦИЯ» В МЕЖКУЛЬТУРНОЙ КОММУНИКАЦИИ

THE CONCEPTS OF “CULTURE”, “ENCULTURATION”, “SOCIALIZATION” AND “ACCULTURATION” IN INTERCULTURAL COMMUNICATION

Аннотация. *Маданиятлараро мулоқот мустақил соҳа сифатида, XX асрнинг ўрталарида шаклланди. Маданиятлараро коммуникация назарияси – бу маданиятлараро жараённи тавсифловчи, унинг тил орқали реаллашиши, ушбу жараёнда юзага келиши мумкин бўлган тўсиқлар ва коммуникатив муваффақиятсизликларнинг сабабларини ўрганувчи мустақил соҳа саналади. Шу боис, ушбу мақолада “маданиятлараро мулоқот” тушунчаси, маданиятлараро коммуникация назариясининг таянч хусусиятлари, терминологик аппарати ҳақида сўз юритилади.*

Таянч иборалар: *энкультурация, социализация, аккультурация, инкультурация, меъёрий ёндашув, антропологик ёндашув, сепарация, маргинализация, интеграция, реципиент маданияти, донор-намоёнда, донор-реципиент.*

Аннотация. *Межкультурная коммуникация как самостоятельная наука сформировалась в середине XX века. Теория межкультурной коммуникации представляет собой самостоятельную область, описывающую межкультурный коммуникативный процесс, его реализацию посредством языка, препятствия, которые могут возникнуть в этом процессе, и причины коммуникативных неудач. В связи с этим, в данной статье идет речь о понятии «межкультурная коммуникация», основных особенностях теории межкультурной коммуникации и её терминологическом аппарате.*

Ключевые слова: *инкультурация, социализация, аккультурация, инкультурация, нормативный подход, антропологический подход, сепарация, маргинализация, интеграция, культура-реципиент, донор-представитель, донор-реципиент.*

Annotation. *Intercultural communication as an independent science was formed in the middle of the 20th century. The theory of intercultural communication is an independent field that describes the intercultural communication process, its implementation through language, obstacles that may arise in this process, and the reasons for communication failures. In this regard, this article discusses the concept of “intercultural communication”, the main features of the theory of intercultural communication and its terminological apparatus.*

Key words: *enculturation, socialization, acculturation, enculturation, normative approach, anthropological approach, separation, marginalization, integration, recipient culture, donor-representative, donor-recipient.*

КИРИШ

Маданиятлараро коммуникация – бу турли маданият намоёндаларининг ўзаро мулоқоти, коммуникацияси саналади. Шу сабабли, маданиятлараро мулоқот тушунчасини англаш учун, дастлаб, маданият ва унинг коммуникациядаги роли масаласига аниқлик киритиш лозим.

Этнография ва антропологиянинг асосчиси саналаган инглиз олими Эдуард Б.Тайлор маданият тушунчасини “ўзида инсоният томонидан эгалланган билим, эътиқод, санъат, маънавият, урф-одат ва қадрият, қўлга киритилган тажрибаларни жамловчи мураккаб

бутунлик” сифатида тушунади [7]. Маданиятни бундай тарзда тушуниш турли фанлар ютуқларининг маданиятга таъсири ҳақида тассаввур ҳосил қилиш учун ўта муҳим, бироқ ушбу таъриф ниҳоятда кенг қамровли эканлиги унинг асосий камчилиги саналади. Биз учун эса маданиятни унинг аниқ кўринишларида намоён бўлишини аниқлаш муҳим саналади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Лингвостатистик таҳлилларга кўра, турли манбаларда маданият тушунчасини аниқлашга қаратилган 400дан тортиб, 1200 гача таърифлар келтирилади.

Назаримизда, ҳозирги кундаги бу борадаги таърифлардан меъёрий ва антропологик таъриф, ушбу тушунчани маданиятлараро мулоқот жараёнида амалий ўрганиш учун аҳамиятли саналади.

Маданият тушунчаси талқинида антропологик талқин этносларнинг шаклланиши ва маданият шаклларининг турли кўринишлари инсонларда этник дивергенциянинг аналоги сифатида мавжудлиги; маданиятларнинг ривожланиши ўзида биологик адаптация, яъни мослашув ҳамда унинг хилма-хиллиги ифода этилишини белгилашда жуда қизиқарли.

Ушбу тушунчани англашдаги меъёрий ёндашув нуқтаи назаридан эса маданият инсон ҳаётини бошқарувчи маълум қоида ва нормалардан тузилади. Маданиятни ҳалқ томонидан белгиланган муайяан нормаларнинг йиғиндиси сифатида қарайдиган бўлсак, у ҳолда маданиятлараро мулоқотнинг муайян нутқий ситуацияларини таҳлил қилишда биз нутқий жараёнда нутққа ўзаро таъсир этувчи маданият нормалари ҳақида тасаввурга эга бўламиз.

Бизнингча, маданият – бу инсонларнинг хатти-ҳаракати ва ўзаро мулоқотини белгиловчи ва уларнинг ижтимоий тажрибаси давомида ўзлаштирилувчи нормалар йиғиндиси. Бунда қуйидагиларни белгилаш муҳим саналади:

-маданият – рағбатлантирилиб бориладиган ва айни дамда таъқиқланиши ҳам мумкин бўлган нормалар йиғиндиси. Ушбу нормалар жамият томонидан таснифланади, ўзлаштирилади ва охир-оқибат инсониятнинг ажралмас қисмига айланувчи маданий нормалар йиғиндиси даражасига кўтарилади;

- маданият туғма яратилмайди, балки ижтимоий ҳодиса сифатида маданий нормалар кўринишида инсоният томонидан ўзлаштирилиб борилади. Маданиятнинг муҳим элементлари мавжуд бўлиб, улар - давомийлик, индивидуаллик (шахснинг ўзини ривожлантириши) ва жамоавийлик каби сифатлардан таркиб топади;

-маданият икки томонлама хусусиятга эга бўлиб, бир вақтнинг ўзида инсонлар фаолиятининг натижаси ва уларнинг фаолиятини бошқарувчи механизм сифатида қаралади. Маданиятни бундай тарзда тушуниш эса этноснинг специфик характерини белгилашда ўта муҳим саналади.

Маданият тушунчасини талқин этишдаги антропологик ёндашувда асосий эътибор маданиятнинг фаолиятга муносабатини аниқлаш учун характерли саналади. Маданият – бу қадриятларнинг йиғиндиси, ўзида халқ тафаккурини акс эттирувчи жамият томонидан қабул қилинган норма ва маданий белгилар системаси. Шу билан бирга, когнитив антропология намоёндалари маданиятни маданиятни ташувчиларнинг онгида мавжуд бўлмаган номоддий билимлар мажмуи деб қарайдилар. Интерпретатив антропологияга асос солган америкалик олим Клифорд Гриц фикрига кўра эса, “маданият – бу билимлар эмас, балки инсонлар хатти-ҳаракатини бошқарувчи механизмлар, яъни “режалар, усуллар, қоидалар” сиситемаси” [2]. Маданиятни бундай тарзда тушуниш, биз учун маданиятлараро мулоқот ва инсонларнинг бундай нутқий ситуациялардаги хатти-ҳаракатларини аниқлаш учун ўта муҳим саналади. Сабаби айнан мана шу таърифда маданият, хатти-ҳаракатларини белгиловчи механизм сифатида намоён бўлади.

XX асрнинг бошларида турли этник маданиятларни ўрганувчи фанлар доирасида икки хил ёндашув, хусусан, эволюцион ҳамда релятив ёндашув амал қилганлигини кўриш мумкин. Биринчи ёндашув Чарльз Дарвиннинг инсоният ривожланишининг қандайдир

ISSN 2181-9572

“стандарт” мезонлари бор ва у йиллар ўтган сари такомиллашиб боради, деган ғоялари билан боғлиқ [3]. Шу сабабли бундай ёндашув, назаримизда, этноцентрик характерга эга.

Иккинчи релятив ёндашувга кўра, ҳар қандай алоҳида олинган маданият ўзига хос саналади. Ҳақиқатан, ҳар бир халқнинг маданияти алоҳида ўзига хос такрорланмас хусусиятларга эга. Сабаби ҳар бир халқ маданияти мустақил бўлиб, барча халқлар маданиятининг ўзига хослиги унинг тарихий матнлари, эътиқоди ва ижтимоий муҳитида ўз акасини топади.

Индивид, яъни инсонлар томонидан маданиятнинг эгалланиш жараёни эса экультурация ёки инкультурация тушунчалари остида юритилиб, бу маданиятга ўтиш деб номланади. Маданият инсон онтогенези (индивидуал ривожланиши) жараёнида эгалланиб борилади. Ушбу жараён ўзида энкультурация ва социолизация, яъни ижтимоийлашув жараёнларни қамрайди.

Социализация – бу инсон ва жамият томонидан унинг бутун умри давомида ўзлаштириладиган ижтимоий нормалар, маданий қадриятлар ва хатти-ҳаракатлари йиғиндиси сифатида муайян жамиятда индивиднинг доимий тарздаги функционаллашувини белигилайдиган икки томонлама, яъни билатериал жараён саналади [2]. Бошқача қилиб айтганда, борликдаги бошқа мавжудотлардан фарқли равишда инсоннинг инсонларга хос специфик қобилатларни эгаллаб бориши социализация, яъни ижтимоийлашувнинг натижаси саналади [1].

Энкультурация эса, инсонни маданиятга мослаштириш, халқ маданиятига хос маданий норма ва хатти-ҳаракатларни сингдириш бўлиб, ушбу жараённинг натижаси – барча инсонларни бир-биридан фарқловчи ва специфик маданий белгиларни эгаллаган шахс (инсон) саналади. Кўринадики, энкультурация ва социолизация тушунчаси ўзаро боғлиқ ва бири-иккинчисиз амал қилмайди. Сабаби уларнинг ўзаро таъсирисиз маданиятга эга бўлган халқнинг ўзи йўқ.

Кўпчилик олимлар социализация ва инкультурация жараёнини инкультурациянинг жараёнининг икки томони, деб ҳисоблайдилар. Хусусан, Мелвилл Джин Херскович, маданиятларао мулоқотга “энкультурация” терминини киритиб, унинг икки босқичини фарқлайди:

биринчи босқич – инсоннинг дунёга келган кунидан бошланиб, унинг тил, этикет нормаларини эгаллаш босқичи саналади. Ушбу этапда индивид танлаш ва баҳолаш имконига эга бўлмайди, у йиллар мобайнида ривожланиб, такомиллашиб, энкультур маданият даражасига етадиган маданиятга қўшилишга қаршилик қила олмайди;

иккинчи босқич – англаш босқичи саналиб, ушбу босқичда инсон жамият томонидан қабул қилинган маданий нормаларни мушоҳада этиш имконига эга бўлади. Англаш босқичида жамият томонидан қабул қилинган маданий нормаларни ўзгартириш имконияти вужудга келади. Натижада маданиятнинг ядросига таъсир этмайдиган субмаданиятлар юзага келади.

Индивид ёки гуруҳнинг янги маданиятга мослашуви эса аккультурация жараёни деб юритилади. Аввалларида антропологияда “аккультурация” термини остида турли маданиятга тегишли этник гуруҳларнинг узоқ йиллар давомидаги ўзаро алоқаси назарда тутилган. Айни дамда, аккультурация тушунчаси остида, кўпроқ, индивиднинг хорижий маданиятга ўтиши, қадриятларнинг ўрнатилиши, ижтимий ролларнинг трансформацияси, шахс идиентлигининг ўзгариши назарда тутилади. Бунда вақт ўтиши билан ўзгариб борадиган маданият, тилшунослик нуқтаи назаридан реципиент-маданияти, халқнинг туб маданияти эса – асос маданият сифатида қаралади. Аккультурация жараёни нутқий коммуникация воситасида амалга оширилади. Бунда аккультурация ва энкультурация тушунчаларини фарқлаш талаб этилади. Биринчи тушунча, индивид маданияти ўзгаришининг иккиламчи ўзгаришига тегишли бўлса, “энкультурация” термини маданий нормаларнинг бирламчи босқичларига тегишли

саналади. Шундай қилиб, барчамиз у ёки бу маданиятга тегишли бўлиб, энкультурация жараёнидан ўтамиз. Бироқ айрим кишиларга тегишли маданий нормаларнинг алмашиши ёки ўзга маданиятга мослашиш жараёни билан боғлиқ аккультурацияга тўқнаш келади.

Аккультурация жараёнида инсон икки, яъни биринчиси, ўзининг маданий идиентилигини сақлаб қолиш ва, иккинчиси, у учун мутлақо янги бўлган маданиятда яшаш муаммосига дуч келади. Бунда аккультурациянинг қуйидаги 4 стратегияси ажратилади:

1. Ассимиляция. Бунда инсон ўзининг маданиятини унутиб ва ундан буткул воз кечиб, мутлақо янги маданиятга ўтиб кетади. Бундай ҳолат кўпроқ ўз ихтиёри билан бошқа давлатга бутунлай яшаш учун кўчиб кетган кишиларда кузатилади.

2. Сепарация – ўзга маданиятдан қабул қилинган маданий нормаларни инкор этиш ва ўз маданияти идентифиакациясини сақлаб қолиш. Ушбу ҳолатда кичик маданият намоёндалари доминантлашаётган янги маданиятдан воз кечадилар ва улардан алоҳида кичик жамоатларни ташкил этадилар. Бундай стратегия кўпроқ ўзининг юртини ташлаб кетишга мажбур бўлган қочоқлар, яъни эмигрантлар учун характерли саналади. Агар доминантлашаётган маданият вакиллари уларни бундай изоляцияга мажбур қилишса, у ҳолда бу жараёнда сегрегация жараёни юзага келади.

3. Маргинализация – жараёни бу инсонларнинг дастлабки маданий идентлилигининг йўқолиши ҳамда янги маданият билан идентиликнинг мавжуд эмаслиги бўлиб, ушбу жараён инсонларнинг дастлабки ўз маданий гуруҳлари билан мулоқотининг йўқолиб бориши ва ўзларининг шахсий идентлигини сақлаб қолиш имкониятининг йўқлиги ҳамда бошқа янги маданиятга қўшилиб кетиш истагининг мавжуд эмаслиги жараёнида рўй беради. Шу боис, маргинализацияни кўп ҳолларда қабул қилинаётган маданият томонидан дескриминация жараёнининг натижаси саналади.

4. Интеграция – бу жараён аккультурациянинг анча муваффақиятли стратегияси бўлиб, у асосий маданий ўзига хосликни йўқотмай, идентликни сақлаб қолган ҳолда, янги маданиятга ўтиш жараёни саналади. Унда иккала томон, донор-намоёнда ва донор-реципиент ўзаро ҳамкорлиги ҳамда ҳар иккала томон маданий жиҳатларининг сақланиши кузатилиши мумкин.

Маданиятлараро мулоқотда аккультурациянинг муҳим натижаси ва мақсади ўзга маданиятга узоқ адаптация, яъни мослашиш саналади. Ушбу ҳолатдаги адаптация шахснинг у учун янги бўлган ижтимоий ҳамда профессионал алоқалар, шунингдек, янги ижтимоий ролларга киришишини англатади. Адаптациянинг, ўз навбатида, икки тури фарқланади:

1. Психологик адаптация, яъни мослашиш ўзида шахснинг янги жамиятда ўзини психологик қулай ҳис этишига эришиши саналади.

2. Ижтимоий адаптация. Бунда шахснинг янги маданият ва жамиятга мослашиши, ўзининг кундалик иш, оила ва мактабга хос маданиятга мос тута олиши назарда тутилади. Бундан ташқари, шахснинг ўзи хоҳлаган ишининг борлиги ва ундан қониқиши, касбий ютуқлари, янги маданиятда ўзига хос ўрнига эгалиги, янги маданиятга шахс мустақил адаптациясининг унинг иқтисодиётига таъсири ҳамда янги ижтимоий ва маданий муҳитда ўзига хос ўрнига эга бўлиши, муваффақиятли адаптациянинг муҳим кўрсаткичларидан бири саналади [6].

Роберт Смит ва Брюс Доренуэндлар ўзларининг “Аккультурация категориялари” номли мақоласида [4] этник гуруҳлар билан мулоқотда индивид учун аккультурация натижаларининг кўринишларини тавсифлаб, аккультурация натижаларининг 4 турдаги натижасини санаб ўтади. Улар томонидан белгилаб берилган 4 турдаги натижаларнинг ҳар бири аккультурациянинг у ёки бу стратегиясига тегишли саналади. Хусусан:

ISSN 2181-9572

1. Алиенация (alienation) шахснинг ўз маданиятини йўқотиши ва унда ўзга маданиятни қабул қилиш истагининг йўқлиги. Алиенация ўз навбатида маргинализацияга тегишли бўлади.

2. Қайта ориентация (reorientation) – янги маданиятга ўтиш ва уни қабул қилиш бўлиб, у ассимиляция жараёнининг яққол натижаси саналади.

3. Нативизм (nativism) – ўзинг асл маданиятига қайтиш ва янги, амал қилаётган маданиятдан орқада қолиш. Бунда, асосан, сепарация стратегияси нативизмга олиб келади.

4. Қайта мослашиш (reconstitution) – қандайдир янги идеалларни эгаллаш ва аввалги маданиятда мутлақо мавжуд бўлмаган қандайдир янги маданиятларни ўйлаб топиш. Интеграция ва қайта мослашишнинг ўзаро боғлиқлиги мавжуд ҳолат, бироқ мазкур ҳолатда ҳамма вақт ҳам қайта мослашиш стратегияси юз беравермайди. Шунингдек, ушбу жараённи янги маданият деб ҳисоблашда маълум қийинчиликлар рўй беравермайди. Бироқ айнан инсониятнинг янги маданиятга мослашиши янги маданий гуруҳлар билан бойиб бораверади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, юқорида қайд этилган барча жараёнлар турли ҳалқлар, турли маданиятлар ўртасидаги маданиятлараро мулоқотда рўй берадиган ҳодисалар бўлиб, ушбу жараёнлар, албатта, коммуникантлар нутқида ўз ифодасини топади. Ушбу нутқий ҳодиса ва жараёнларни лингвистик нуқтаи назардан кенг таҳлил қилиш эса ҳозирги кун тилшунослик илмининг долзарб масалаларидан бири саналади.

ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Белик А. А. Культурная (социальная) антропология: Учеб. пособие. -М.: РГГУ , 2009. -С. 50.
2. Гирц, Клиффорд / Девятко И. Ф. // Гермафродит — Григорьев [Электронный ресурс]. (Большая российская энциклопедия: [в 35 т.] / гл. ред. Ю. С. Осипов. 2007. -С. 183.
3. Дарвин, Чарлз Роберт // Энциклопедический словарь Брокгауза и Ефрона : в 86 т. (82 т. и 4 доп.). -СПб., 1890-1907.
4. Dohrenwend B., Smith R. Toward a theory of acculturation // Southwestern Journal of Anthropology. 1962. Vol. 18, № 1. P. 30–39.
5. Ковалева А. И. Социализация // Знание. Понимание. Умение. 2004. № 1. -С. 139.
6. Садохин А. П. Введение в теорию межкультурной коммуникации. -М.: Высш.шк., 2005. С. 133–134.
7. Тайлор Эдуард Бернетт // Большая советская энциклопедия: [в 30 т.] / под ред. А. М. Прохоров — 3-е изд. — М.: Советская энциклопедия, 1969.